ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

**ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ҲАМДА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА**

11.04.2023 йилдаги ЎРҚ-829-сон

# Норматив асослари



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

**ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УЛАРНИНГ ЖАМИЯТ ҲАЁТИДАГИ ФАОЛ ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

05.03.2021 йилдаги ПҚ-5020-сон



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

**МОДДИЙ ЁРДАМ ВА КЎМАККА МУҲТОЖ ОИЛАЛАРНИ, ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ЁШЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**

28.04.2021 йилдаги 250-сон



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

**ОИЛА ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР БИЛАН ИШЛАШ, МАҲАЛЛА ВА НУРОНИЙЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

01.03.2022 йилдаги ПФ-81-сон



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

**ОИЛА ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

01.03.2022 йилдаги ПҚ-146-сон



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

**ОИЛА ВА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ТИЗИМЛИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ДОИР ИШЛАРНИ ЯНАДА ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

07.03.2022 йилдаги ПФ-87-сон



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

**ХОТИН-ҚИЗЛАР МУАММОЛАРИНИ ЎРГАНИШ ВА ҲАЛ ЭТИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

31.03.2022 йилдаги 145-сон

# Асосий тушунчалар



**гендер** — хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги муносабатларнинг жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан **сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, мафкура ва маданият, таълим ҳамда илм-фан соҳаларида намоён бўладиган ижтимоий жиҳати;**

# Асосий тушунчалар



**гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чоралар** — жинсларнинг нотенглигини бартараф этиш, **хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳақиқий ёки асос бўладиган тенглигини таъминлаш** бўйича аниқ мақсадларга эришиш учун давлат органлари томонидан кўриладиган **ҳуқуқий, ташкилий ҳамда институциявий хусусиятга эга чора-тадбирлар;**

GENDER AUDIT
NODIRA Gaibnazarova

# Асосий тушунчалар



**жинс бўйича бевосита камситиш** — жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини тан олмасликка қаратилган ҳар қандай тарзда **фарқлаш, истисно этиш ёки чеклаш,** шу жумладан **оилавий ҳолати, ҳомиладорлиги, оилавий мажбуриятлари туфайли камситиш,** шунингдек **шаҳвоний шилқимлик қилиш, тенг меҳнат ва малака учун ҳар хил ҳақ тўлаш;**

# Асосий тушунчалар



**жинс бўйича билвосита камситиш** — бир жинсдаги шахсларни бошқа жинсдаги шахсларга нисбатан **ноқулайроқ ҳолатга тушириб қўядиган вазиятларни, ҳолатларни ёки мезонларни яратиш,** шу жумладан гендер тенгсизликни **оммавий ахборот воситалари, таълим, маданият орқали тарғиб этиш,** муайян жинсдаги шахслар учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган **шарт-шароитлар ёхуд талаблар белгилаш;**

# ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ

- **жинсий зўравонлик** — хотин-қизларга нисбатан уларнинг розилигисиз шаҳвоний хусусиятга эга ҳаракатларни содир этиш орқали жинсий дахлсизликка ва жинсий эркинликка тажовуз қиладиган зўравонлик шакли, шунингдек зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан таҳдид қилиш ёхуд аёл жинсидаги вояга етмаган шахсларга нисбатан ахлоқсиз ҳаракатлар содир этиш орқали учинчи шахс билан жинсий алоқа қилишга мажбурлаш;

Nodira Gaibnazarova

# ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ

- **жисмоний зўравонлик** — хотин-қизларга нисбатан оғирлиги турли даражада бўлган тан жароҳатлари етказиш, хавф остида қолдириш, ҳаёти хавф остида қолган шахсга ёрдам кўрсатмаслик, зўравонлик хусусиятига эга бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этиш, жисмоний таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказишнинг ўзга чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали хотин-қизларнинг ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги ҳамда қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ва эркинликларига тажовуз қиладиган зўравонлик шакли;

Nodira Gaibnazarova

# ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ

- **зўравонлик —** хотин-қизларга нисбатан жисмоний, руҳий, жинсий ёки иқтисодий таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказиш чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали уларнинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий дахлсизлиги, шаъни, қадр-қиммати ва қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига тажовуз қиладиган ғайриҳуқуқий ҳаракат (ҳаракатсизлик);

Nodira Gaibnazarova

# ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ

- **иқтисодий зўравонлик** — хотин-қизларга нисбатан турмушда, иш жойларида ва бошқа жойларда амалга оширилган зўравонлик шакли, хотин-қизларнинг нормал яшаш ва камол топиш учун озиқ-овқат, уй-жой ҳамда бошқа зарур шарт-шароитлар билан таъминланишга бўлган ҳуқуқини, мулк ҳуқуқини, таълим олиш ҳамда меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оширишни чеклашга олиб келадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик);

Nodira Gaibnazarova

# ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ

- **иш жойи — ўзи билан тузилган шартномага мувофиқ меҳнат мажбуриятларини амалга ошириш ёки хизмат вазифаларини бажариш учун бўлиши ёки бориши лозим бўлган, иш берувчи томонидан бевосита ёки билвосита назорат қилинадиган жой;**

Nodira Gaibnazarova

# ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ

- **руҳий зўравонлик** — хотин-қизларни ҳақоратлаш, уларга туҳмат қилиш, таҳдид қилиш, уларнинг шаънини, қадр-қимматини камситиш, шунингдек уларнинг хоҳиш-иродасини чеклашга қаратилган бошқа ҳаракатларда ифодаланадиган зўравонлик шакли, шу жумладан репродуктив соҳада назорат қилиш, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчида ўз хавфсизлиги учун хавотир уйғотган, ўзини ҳимоя қила олмасликка олиб келган ёки руҳий соғлиғига зарар етказган ҳаракат (ҳаракатсизлик);

Nodira Gaibnazarova

# ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ

- **тазйиқ** — содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган, хотин-қизларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик), шилқимлик, таъқиб этиш;
- **тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчи** — ўзига нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этилиши таҳдиди остида бўлган ёки тазйиқ ва зўравонлик натижасида жабрланган аёл жинсидаги шахс;

Nodira Gaibnazarova

# ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ

- **тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш —** хотин-қизларнинг ҳаёти, соғлиғи учун пайдо бўлган хавфни бартараф этиш, тезкор чора-тадбирларни талаб қиладиган ҳаётий вазиятлар юз берганда хотин-қизларнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек жабрланувчига нисбатан тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг такроран ғайриқонуний хатти-ҳаракатларига йўл қўймаслик мақсадидаги иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, ташкилий, психологик ва бошқа тусдаги кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар тизими;

Nodira Gaibnazarova

# ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ

- **тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш** — хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этишга олиб келадиган сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этишга, жамиятда хотин-қизларнинг зўравонликдан холи бўлиш ҳуқуқларидан хабардорлигини оширишга қаратилган иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар тизими;

*Nodira Gaibnazarova*

# ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ

- **таъқиб этиш** — жабрланувчининг хоҳиш-иродасига қарши, унинг икки ёки ундан ортиқ марта қаршилик кўрсатганлигига ёхуд огоҳлантирганлигига қарамай содир этиладиган, жабрланувчини қидиришда, у билан оғзаки, телекоммуникация тармоқлари воситасида, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали ёки бошқа усулларни қўллаш йўли билан мулоқотга киришишда, унинг иш, ўқиш ва (ёки) яшаш жойига боришда ифодаланган ҳамда жабрланувчида ўз хавфсизлиги учун хавотирлик қўзғатадиган ҳаракатлар;

Nodira Gaibnazarova

# ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ

- **ҳимоя ордери** — тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига давлат ҳимоясини тақдим этувчи, хотин-қизларга тазйиқ ўтказаётган ёки уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахсга ёхуд бир гуруҳ шахсларга нисбатан ушбу Қонунда белгиланган таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилишига сабаб бўладиган ҳужжат.

*Nodira Gaibnazarova*

# ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ

- **Меҳнат органлари:**

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий дастурларни ҳамда қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

ишга жойлаштирилмаган хотин-қизларни ҳисобга олиш, уларнинг бандлигини таъминлаш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

хотин-қизларга нисбатан иш жойларидаги тазйиқ ва зўравонлик ҳолларининг олдини олиш ҳамда хотин-қизлар билан ўзаро муносабатлар маданиятини юксалтириш бўйича мулк шаклларидан қатъи назар ташкилотларда профилактика тадбирларини ўтказади;

**иш қидираётган** ва оғир ижтимоий аҳволда қолган, шу жумладан оилавий муаммоларга ва зўрлик ишлатилишига дуч келган хотин-қизлар **бандлигини таъминлаш ва касбга йўналтиришга кўмаклашиш** чораларини кўради;

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи тегишли ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

*(9-модда. Меҳнат органларининг хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари)*

Nodira Gaibnazarova

# ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ

- **Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари:**

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий дастурларни ва қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга ҳамда уларнинг болаларига, шу жумладан аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларига келтирилган тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга ҳамда уларнинг болаларига **бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш**, уларни **тиббий кўрикдан ўтказиш**, шунингдек тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларни **бепул даволаш** чора-тадбирларини амалга оширади;

тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга тиббий ва руҳий ёрдам кўрсатиш юзасидан услубий тавсиялар ишлаб чиқади ҳамда уларни соғлиқни сақлаш муассасаларининг иш амалиётига жорий этади;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни хотин-қизларнинг ҳаётига ёки соғлиғига хавф солувчи фактлар ва аниқланган сабаблар тўғрисида хабардор қилади;

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи тегишли ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

*(11-модда. Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органларининг ҳамда соғлиқни сақлаш муассасаларининг хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари)*

Nodira Gaibnazarova

# ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ

- **Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси:**

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий дастурларни ва қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

*хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларига олиб келадиган сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш бўйича тадбирларда иштирок этади ва бундай ҳолатларни бартараф этиш юзасидан амалий чоралар кўради;*

*хотин-қизларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларида ижтимоий реабилитация қилишга ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олишга доир тадбирлар ўтказади;*

*хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ўтказганлиги ва зўравонлик содир этганлиги учун профилактик ҳисобда турадиган шахслар билан якка тартибдаги профилактика тадбирларини ўтказишда иштирок этади;*

*низоли вазиятларни профилактика қилишга, тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олишга доир дастурлар ҳамда услубий тавсияларни ишлаб чиқади ва амалга оширади.*

*хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи тегишли ваколатли органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.*

*(12-модда. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари)*

Nodira Gaibnazarova

# ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ёрдам кўрсатиш, маслаҳат бериш механизми ҳамда чора-тадбирлари, хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш тўғрисида ахборот олишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида туну кун ишлайдиган, бепул телефон линияси тармоғи (ишонч телефони) ишлаб туришини таъминлайди.

Телефон линияси тармоғи махфийликка риоя этган ҳолда фаолият кўрсатади. Ишонч телефони орқали олинган ахборотни ошкор этишга йўл қўйилмайди, бундан қонунчиликда белгиланган ҳоллар мустасно.

- *(18-модда. Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчилар учун ишонч телефони)*

Nodira Gaibnazarova

## Ходим ва иш берувчи якка тартибдаги меҳнатга оид муносабатларнинг субъектларидир.

ХОДИМ

Меҳнатга оид **хуқуқ лаёқатига ва муомала лаёқатига эга бўлган**, ушбу Кодексда белгиланган **ёшга етган** ҳамда иш берувчи билан меҳнат шартномаси тузган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ходимлар бўлиши мумкин.



*(МК, 19-модда)*

*Nodira Gaibnazarova*

*Қуйидагилар* ***иш берувчилар*** *сифатида иш юритиши мумкин:*

ташкилотларнинг **филиаллари, ваколатхоналари** ёки бошқа алоҳида **таркибий бўлинмалари**

мулкчилик шаклидан ва идоравий мансублигидан қатъи назар, **ташкилотлар**

**жисмоний шахслар**

ИШ БЕРУВЧИ




*(МК, 19-модда)*

Nodira Gaibnazarova

# Жисмоний шахслар қуйидаги ҳолларда <u>иш берувчилар </u>бўлиши мумкин:

агар улар юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи **<u>якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида </u>**рўйхатга олинган бўлса;

агар улар ўзига хизмат кўрсатилиши ва уй хўжалигини юритишда ёрдамлашиш мақсадида **<u>уй хизматчиларини ёллашни амалга оширса;</u>**

агар қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда уларнинг **<u>касбий фаолияти рўйхатдан ўтказилиши ва (ёки) лицензияланиши лозим бўлса </u>**ҳамда улар мазкур фаолиятни амалга ошириш мақсадида **<u>ходимлар билан меҳнатга оид муносабатларга киришган бўлса.</u>**

*(МК, 19-модда)*

Nodira Gaibnazarova

# Ходимнинг ҳуқуқлари

**меҳнат шартномасини** **тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш;**

иш берувчи томонидан **иш билан таъминланиш;**

меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига мос келадиган

**иш жойига эга бўлиш;**

ўз малакасига, меҳнатнинг мураккаблигига, бажарилган ишнинг миқдори ва сифатига мувофиқ **ўз вақтида ҳамда тўлиқ ҳажмда**

**иш ҳақи олиш;**

**иш вақти давомийлигининг** чегарасини, айрим касблардаги ва тоифалардаги ходимлар учун **қисқартирилган иш вақтини белгилаш,** ҳар ҳафталик **дам олиш кунлари,** ишланмайдиган **байрам кунлари**, шунингдек **йиллик меҳнат таътиллари** бериш орқали таъминланадиган **дам олиш;**

Nodira Gaibnazarova

*(МК, 21-модда)*

# Ходимнинг ҳуқуқлари

хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган **<u>меҳнат шароитларига эга бўлиш,</u>** шунингдек иш жойидаги меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари тўғрисида тўлиқ ва ишончли **<u>ахборот олиш;</u>**

меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка, меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга, меҳнат шартномасига мувофиқ **<u>касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;</u>**

ўз меҳнат ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш учун **<u>касаба уюшмаларига ва бошқа ташкилотларга бирлашиш;</u>**

*(МК, 21-модда)*

Nodira Gaibnazarova

# Ходимнинг ҳуқуқлари

**жамоа келишувлари ва жамоа шартномаси**, шунингдек улар шартларининг **бажарилиши тўғрисида ахборот олиш,** шу жумладан **ўз вакиллари орқали олиш;**

меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган тартибда ходимга меҳнат вазифаларини бажариши муносабати билан етказилган **моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ва маънавий зиённи компенсация қилиш;**

**ўз меҳнат ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини** қонун билан тақиқланмаган барча усуллар билан **ҳимоя қилиш;**

**меҳнат низоларини** ушбу Кодексда, бошқа қонунларда белгиланган тартибда **ҳал қилиш.**

*(МК, 21-модда)*

Nodira Gaibnazarova

# Ходимнинг мажбуриятлари

**Ходим:**

- меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка ва меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга, **меҳнат шартномалари шартларига риоя этиши;**
- меҳнат шартномаси билан ўз зиммасига юклатилган **меҳнат мажбуриятларини виждонан бажариши;**
- **ички меҳнат тартибига риоя этиши;**
- **меҳнат интизомига риоя этиши;**
- белгиланган **меҳнат нормаларини бажариши;**
- меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига, технология интизомига, меҳнат хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси **қоидаларига риоя этиши;**
- **иш берувчининг мол-мулкига** (шу жумладан учинчи шахсларнинг иш берувчида турган мол-мулкига, агар иш берувчи ушбу мол-мулкнинг бут сақланиши учун жавобгар бўлса) нисбатан **эҳтиёткорона муносабатда бўлиши;**
- **иш берувчига етказилган моддий зарарнинг** ўрнини ушбу Кодексда белгиланган тартибда ва доирада **қоплаши;**
- инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғига, иш берувчининг мол-мулки (шу жумладан учинчи шахсларнинг иш берувчида бўлган мол-мулкига, агар иш берувчи ушбу мол-мулкнинг бут сақланиши учун жавобгар бўлса) бут сақланишига **таҳдид соладиган вазият юзага келганлиги тўғрисида иш берувчига ёки бевосита раҳбарга дарҳол хабар қилиши;**
- бошқа ходимларнинг **ўз меҳнат мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилувчи ҳаракатларни содир этмаслиги шарт.**
- Ходимнинг зиммасида меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка, меҳнат тўғрисидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга ва меҳнат шартномасига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

*(МК, 22-модда)*

Nodira Gaibnazarova

# Иш берувчининг ҳуқуқлари

Иш берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- ушбу Кодексда, бошқа қонунларда назарда тутилган тартибда ва шартлар асосида ходимлар билан **мeҳнат шартномаларини тузиш, ўзгартириш ҳамда бекор қилиш;**
- жамоа музокаралари ташаббуси билан чиқиш ва **жамоа шартномаларини тузиш;**
- ходимларни ҳалол самарали **меҳнати учун рағбатлантириш;**
- ходимлардан ўз **меҳнат мажбуриятларини бажаришини ва иш берувчининг мол-мулкига** (шу жумладан учинчи шахсларнинг иш берувчида бўлган мол-мулкига, агар иш берувчи ушбу мол-мулкнинг бут сақланиши учун жавобгар бўлса) **эҳтиёткорона муносабатда бўлишини, ички меҳнат тартибига риоя этишини талаб қилиш;**
- ходимларни ушбу Кодексда белгиланган тартибда **интизомий жавобгарликка тортиш;**
- ходимларни улар томонидан ҳам иш берувчига бевосита етказилган, ҳам бошқа шахсларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш натижасида иш берувчида юзага келган тўғридан-тўғри **ҳақиқий зарар учун моддий жавобгарликка тортиш;**
- **ички ҳужжатларни қабул қилиш** (бундан якка тартибдаги тадбиркор бўлмаган, жисмоний шахс бўлган иш берувчилар мустасно);
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида **иш берувчилар бирлашмаларини ташкил этиш ҳамда уларга аъзо бўлиш.**
- Иш берувчи меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка, меҳнат тўғрисидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга ва меҳнат шартномасига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

*(МК, 24-модда)*

Nodira Gaibnazarova

# Иш берувчининг мажбуриятлари

- **Иш берувчи:**
- меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка ва меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга, **меҳнат шартномалари шартларига риоя этиши;**
- ходимларни меҳнат шартномасида шартлашилган **иш билан таъминлаши;**
- ходимларни ишга қабул қилишда, меҳнат жараёнида ва ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишда ушбу Кодекснинг меҳнат ва машғулотлар соҳасида **камситишни тақиқлаш тўғрисидаги талаблари бузилишига йўл қўймаслиги;**
- мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатининг оғир шакллари қўлланилишига йўл қўймаслиги;
- меҳнатни муҳофаза қилиш норматив талабларига мувофиқ бўлган **меҳнат хавфсизлигини ва шарт-шароитларини таъминлаши;**
- ходимларни ўз меҳнат мажбуриятларини бажариши учун зарур бўлган **асбоб-ускуналар, асбоблар, техник ҳужжатлар ва бошқа воситалар билан таъминлаши;**
- ходимларга берилиши лозим бўлган **иш ҳақини** ушбу Кодексга, жамоа шартномасига, ички меҳнат тартиби қоидаларига, бошқа ички ҳужжатларга, меҳнат шартномаларига мувофиқ белгиланган муддатларда **тўлиқ ҳажмда тўлаши;**
- ушбу Кодексда белгиланган тартибда **жамоа музокараларини олиб бориши**, шунингдек **жамоа шартномасини тузиши;**
- ходимларнинг вакилларига жамоа келишувини ва жамоа шартномасини тузиш ҳамда уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш учун зарур бўлган **тўлиқ ва ишончли ахборотни тақдим этиши;**
- **ходимларни уларнинг бирлашиш ҳуқуқи тўғрисида хабардор қилиши;**
- ходимларни ўз меҳнат фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган, қабул қилинаётган **ички ҳужжатлар билан имзо қўйдириб таништириши;**

*(МК, 25-модда)*

*Nodira Gaibnazarova*

# Иш берувчининг мажбуриятлари

**Иш берувчи** *(давоми) :*

- давлат меҳнат инспекторларининг, шунингдек меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка ва меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилиши устидан текширув ва назоратни амалга ошириш ваколатига эга бўлган бошқа **давлат органлари мансабдор шахсларининг кўрсатмаларини ўз вақтида бажариши;**
- ходимлар давлат органларидаги сайлаб қўйиладиган лавозимларга сайланганлиги туфайли уларнинг иш жойи сақланиб қолган ҳолларда ушбу иш берувчи илгари **меҳнат шартномасини бекор қилган ходимларни ишга қабул қилиши;**
- тегишли касаба уюшмаси органларининг, ходимлар томонидан сайланган бошқа вакилларнинг меҳнат тўғрисидаги қонунчиликнинг ва меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларнинг аниқланган қоидабузарликлари ҳақидаги кўрсатмалари ҳамда тақдимномаларини ўз вақтида кўриб чиқиши, аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш бўйича чоралар кўриши ва кўрилган чоралар тўғрисида мазкур органлар ҳамда вакилларга **хабар қилиши;**
- ходимларнинг ўз меҳнат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ бўлган **маиший эҳтиёжлари таъминланишини амалга ошириши;**
- ходимларнинг ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртасини, шунингдек иш берувчининг фуқаролик жавобгарлиги **мажбурий суғуртасини таъминлаши;**
- ўз меҳнат мажбуриятларини бажарганлиги муносабати билан ходимларга етказилган моддий зарарнинг ўрнини меҳнат қонунчилигида белгиланган тартибда ҳамда шартларда **қоплаши;**
- меҳнат шартномаларини, шунингдек уларга доир ўзгартиш ва қўшимчаларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда **"Ягона миллий меҳнат тизими"** идоралараро дастурий-аппарат мажмуида **ўз вақтида рўйхатга олиши шарт.**

Иш берувчининг зиммасида меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка, меҳнат тўғрисидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга ва меҳнат шартномасига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

*(МК, 25-модда)*

Nodira Gaibnazarova

# **Айрим тоифадаги** ходимларнинг меҳнати ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган

аёллар, оилавий вазифаларни бажарувчи шахслар, ногиронлиги бўлган шахслар, вояга етмаганлар

мавсумий (6 ой) ва вақтинчалик ходимлар (2 ой), педагоглар, тиббиёт ва транспорт ходимлари, спортчилар;

кафолатлар нафақат онага балки **отага ва васийга** берилмоқда

меҳнат шароитлари оғир ва зарарли, табиий-иқлим шароитлари ноқулай бўлган шахслар

ўриндошлар, касаначилар, масофавий, вахта усулида ишловчилар

чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар

Гендер тенглик нейтраллик тамойиллари, имконияти чекланган шахсларнинг, норезидентларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқлари таъминланади. Иш берувчилар томонидан мехнат бозоридаги **янги меҳнат турларидан фойдаланиш имконияти яратилади**, меҳнат **шартномасининг турлари кенгайтирилади ва норасмий бандларни легаллаштиришга** эришилади.

Nodira Gaibnazarova

# ИШ БЕРУВЧИЛАР

- Муддатли меҳнат шартномасини тузиш асослари сезиларли даражада кенгайтирилмоқда
- Муддатли меҳнат шартномаси муддати бир марталик узайтириш ҳуқуқи билан 5 йилдан 3 йилгача қисқартирилмоқда
- Ходимни бошқа иш берувчига хизмат сафарига юбориш тартиби белгиланмоқда
- Иш берувчи томонидан иш вақти режимининг турли хил вариантларини белгилаш механизми жорий этилмоқда
- Иш берувчи томонидан хизмат текширувларини ўтказиш ва ишдан четлаштириш тартибга солинмоқда

Nodira Gaibnazarova

# ХОДИМЛАР

- **Ишга қабул қилиш босқичлари**, жумладан, ишга кириш тартиблари белгилаб олинмоқда
- Айрим тоифадаги ходимлар (раҳбарлар, бош бухгалтерлар) учун синов муддати **3 ойдан 6 ойгача** узайтирилмоқда
- **Ходимнинг пенсия ёшига етганлиги муносабати билан** иш берувчининг ташаббуси билан **меҳнат шартномасини бекор қилиш** асоси чиқариб ташланмоқда
- **Ишдан бўшатиш нафақасини** иш берувчида ишлаган иш стажига қараб **дифференциациялашган миқдори** белгиланмоқда
- **Ходимларнинг шахсий маълумотларини ҳимоя қилишга** бағишланган нормалар киритилмоқда
- **Дам олиш кунини давлат байрамлари** (ишланмайдиган байрам кунлари) кунларига тўғри келган тақдирда кўчириш қоидаси киритилмоқда
- Меҳнат таътилининг минимал давомийлиги календарь кунларда (**15 иш куни ўрнига 21 календарь куни**) белгиланмоқда

Nodira Gaibnazarova

# Ходимларнинг шахсга доир маълумотларига қандай ишлов берилади?

МК ходимнинг шахсга доир маълумотларига ишлов бериш, сақлаш ва ҳимоя қилиш бўйича **умумий талабларни белгилайди**

Ўзбекистон фуқароларининг шахсга доир маълумотларига ишлов бериш чоғида уларни **йиғиш, тизимлаштириш ва сақлаш Ўзбекистонда жойлаштирилган техник воситаларда** амалга оширилиши керак.

Иш берувчи меҳнат муносабатлари доирасида **ходимнинг шахсий маълумотларига** (масалан, паспорт нусхаси, СТИР, никоҳ, фарзандларининг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалар, дипломлар, ҳарбий гувоҳнома) **ишлов бериш чоғида** унинг шахсга доир маълумотларига ишлов беришга ходимнинг **ёзма розилигини олиши лозим.**

**Шахсий маълумотларга ишлов беришга розилик олиш тўғрисидаги талаб истисносиз берча ходимларга татбиқ этилади.** Шундай қилиб, мазкур мазкур ҳужжатни шу жумладан қуйидаги ходимлар тоифаси билан расмийлаштириш лозим: тўлиқсиз иш вақти режимида, шу жумладан тўлиқсиз кун ва тўлиқсиз ҳафтада ишлайдиган ходимлар; ўриндошлар, фаолиятини **фуқаролик-ҳуқуқий шартнома** бўйича амалга оширувчи мутахассислар.

**Ходимнинг шахсга доир маълумотлари**

Меҳнатга оид муносабатлар сабабли иш берувчига тақдим этилган, **ходимнинг,** шунингдек унинг оила аъзоларининг ҳаётидаги фактлар, воқеалар ва ҳолатлар тўғрисидаги ахборот

**Ходимнинг шахсга доир маълумотлари тўғрисидаги ахборот махфий ахборот тоифасига тааллуқлидир.**

**МК, 6-§.**
**175-модда.**

*Nodira Gaibnazarova*

# <u>Шахсга доир маълумотлар</u> жумласига ходим тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар киради:

- фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ва жойи;
- жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (мавжуд бўлса);
- маълумоти (қачон ва қайси таълим ташкилотларини тугатганлиги, дипломлари рақамлари, диплом бўйича тайёргарлик йўналиши ёки мутахассислиги, малакаси);
- меҳнат фаолияти бошланганидан эътиборан бажарилган ишлари (ҳарбий хизматни қўшиб ҳисоблаганда);
- доимий ёки вақтинча яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган манзили;
- паспортига оид маълумотлар (серияси, рақами, ким томонидан ва қачон берилганлиги) ва идентификация ID-карта маълумотлари;
- шахсий телефон рақами, электрон почта манзили;
- ҳарбий мажбуриятга дахлдорлиги, ҳарбий рўйхатга олиш бўйича маълумотлар (захирада бўлган фуқаролар ва ҳарбий хизматга чақирилиши лозим бўлган шахслар учун);
- солиқ тўловчининг идентификация рақами;
- шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағининг рақами;
- мажбурий тиббий кўрик натижалари;
- ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари;
- оилавий аҳволи, яқин қариндошларининг фамилияси, исми, отасининг исми ва туғилган саналари;
- ходимнинг ва (ёки) унинг оила аъзоларининг ҳаётидаги иш берувчига маълум бўлиб қолган фактлар, воқеалар ҳамда ҳолатлар ҳақидаги бошқа маълумотлар.

Nodira Gaibnazarova

# Болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат

Nodira Gaibnazarova

# Болалар меҳнати



**Болалар меҳнати** – бу болалар учун ақлий, жисмоний, ижтимоий ёки маънавий жиҳатдан хафли ва зарарли бўлган меҳнатдир.
Бу уларни мактабга бориш имкониятидан маҳрум қилган, уларни мактабдан вақтидан олдин кетишга ёки мактабга боришни ҳаддан ташқари узоқ ва оғир иш билан бирга олиб боришга мажбур қилган ҳолда, уларнинг мактабда ўқишига халақит беради.

# Болалар меҳнатидан фойдаланганлик учун жавобгарлик

**Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 49[1] моддаси**

Вояга етмаган шахс меҳнатидан унинг соғлиғига, хавфсизлигига ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган ишларда фойдаланиш, - базавий ҳисоблаш миқдорининг **10** бараваридан **20** бараваригача миқдорда (3 300 000 – 6 600 000 сўм) жарима солишга сабаб бўлади.

**Жиноят кодексининг 148[1] моддаси**

Вояга етмаган шахс меҳнатидан унинг соғлиғига, хавфсизлигига ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган ишларда фойдаланиш, худди шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —
базавий ҳисоблаш миқдорининг **25** бараваригача миқдорда (8 250 000 сўм) жарима ёки **3** йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд **3** йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

**Учинчи шахслар, шу жумладан ота-оналар томонидан, болаларни корхонадаги ишларга жалб қилинган ҳолатларда - вояга етмаганларни жалб қилиш учун жавобгарлик тўлиқ иш берувчига юклатилади**

Nodira Gaibnazarova

# Мажбурий меҳнат

**Мажбурий меҳнат тақиқланади.**

Мажбурий меҳнат бирор-бир жисмоний шахсдан жазони қўллаш таҳдиди остида талаб этиладиган, бажарилиши учун ушбу шахс ихтиёрий равишда ўз хизматларини таклиф қилмаган ҳар қандай ишни ёки хизматни англатади. Жазо деганда жисмоний шахснинг ихтиёрий розилиги мавжуд бўлмагани ҳолда, ушбу шахсга нисбатан уни меҳнат фаолиятини амалга оширишга мажбур қиладиган ҳар қандай моддий, жисмоний ёки руҳий таъсир чораларини қўллаш ёки қўллаш таҳдиди тушунилади.

**Мажбурий меҳнатнинг кўпинча учрайдиган мисоллари:**

- *Пахта теримига давлат хизматчиларини, ўқитувчиларни, шифокорларни, ҳарбий хизматчиларни ва бошқаларни йўналтириш.*
- *Меҳнат функциясида пахта йиғиш мажбурияти бўлмаган корхонанинг офис ходимларини пахта теримига йўналтириш.*



Nodira Gaibnazarova

# Меҳнатга мажбурлаш учун жавобгарлик

**Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 51-моддаси**

Меҳнатга бирон-бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлаш, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно, —
базавий ҳисоблаш миқдорининг **50** бараваридан **100** бараваригача миқдорда (16 500 000 – 33 000 000 сўм) жарима солишга сабаб бўлади.

**Жиноят кодексининг 148$^{2}$ моддаси**

Меҳнатга бирон-бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлаш, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно, худди шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —
базавий ҳисоблаш миқдорининг **100** бараваридан **150** бараваригача миқдорда (33 000 000 – 49 500 000 сўм) жарима ёки **2** йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд **2** йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.
Худди шундай ҳаракат вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, —
базавий ҳисоблаш миқдорининг **150** бараваридан **200** бараваригача миқдорда (49 500 000 – 66 000 000 сўм) жарима ёки **3** йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки **3** йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Nodira Gaibnazarova